

1920639246 - СОН  
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари, яқка тартибдаги тадбиркор ва қонун ҳужжатларига кўра, юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият юритувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари) учун

Тошкент ш.

20.01.2022 йил

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 30.12.2021 йилдаги №27-01-14/6020 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “ЎзМобайл” филиали директори С.С. Фахрутдинов, бундан буён “Оператор” деб номланувчи, бир томондан ва Farmasevtika Institutі номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ризаев К.С., бундан буён “Абонент” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тулик танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишда умумэътироф этилган маданиятга амал қилинган ҳолда, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб 100 (юз) фоиз миқдоридан олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк кўни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (юз) фоиз миқдоридан олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет тапқилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 7800.000 (Ҳақил миллион сўм) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 1800.000 (Бир миллион сўм) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда 6000.000 (Олти миллион сўм) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент кейинги ҳисоб-китоб даври (ҳисобот оyi) бошлангунга қадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фоиз шarti билан хар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида кўрсатилган Операторнинг шахсий ҳисоб рақамларига пул маблағларини кўрсатилган хизматлар ҳисобига олган ҳолда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтагади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь оyi) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот оyiнинг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қодалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор Хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар, Шартномага мувофиқ Хизмат учун асосида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори ўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва Хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланганлиги тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳагги-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7.Якуний Қондалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 22 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 22 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

#### 8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

##### Оператор:

“Ўзбектелеком” АК "ЎзМобайл" филиали  
Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кучаси, 8 уй  
СТИР: 203366731  
МФО: 00401  
ИФУТ: 61100  
Х/р: 20210000104074838076  
АТБ "Алокабанк"  
Тел.: 998367757, 998367767  
e-mail: corporate@uzmobile.uz

##### Абонент:

Мижоз: Farmasevtika Instituti  
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, уй. 45  
Банковские реквизиты: 23402000300100001010  
МФО: 00014, Г.ТАШКЕНТ,РҚЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ  
ИНН:201122919  
ИНН: 201363967  
400510860262737084100054003

М.Ў.



Rozaev K.S.